2

# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (13.303)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Болалар спорти**



Т. МАМАДАМИНОВ олган суратлар



***Спорт – ўғил-қизларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини тарбиялашда, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни уйғотишда муҳим аҳамиятга эга.***

## БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармасига қарашли яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс, эркин кураш, таэквондо (WTF), дзюдо, қиличбозлик, кураш, белбоғли кураш, самбо билан 830 дан ортиқ ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни спортга кенг жалб этишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилаётир.

– Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг самаралари болаларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб вояга етишида яққол намоён бўлмоқда, – дейди мактаб директори ўринбосари Нилуфар Тўраева. – Мактабимизда машғулотларни юқори савияда ташкил этиш орқали ёшларни катта мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабда ўғил-қизларнинг ўзлари қизиққан спорт тури сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. Футбол майдони, спорт заллари, тренажёр зали ва бошқа қулайликлар улар ихтиёрида.

Бу ерда болалар йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

– Бугунги болаларнинг шижоатига ҳавас қилса арзийди, – дейди эркин кураш бўйича мураббий Бобур Иноятов. – Шогирдларимнинг ҳаммаси иқтидорли, ўзига нисбатан ишончи баланд. Болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган кенг имконият ва шароитлар уларнинг спортга қизиқишини янада кучайтириб, мусобақаларда юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда.

Мактаб тарбияланувчиларининг 80 нафари турли спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларидир. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг бронза медаль совриндори Рустам Тўлаганов ҳам ушбу мактаб тарбияланувчиси бўлгани эса бокс тўгарагида шуғулланаётган ёшлар учун фахр туйғусини уйғотади.

ЎзА

## ИЛМ-ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

***Тошкентда 10 ноябрь куни "Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар" мавзуида халқаро симпозиум бошланди.***

Ватанимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг илм-фан ва маърифий салоҳиятини янада юксалтиришга улкан эътибор қаратилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда космик нурлар, ядро физикаси, материалшунослик, акустика, оптика ва спектроскопия, лазер термокимёси, назарий физика, микроэлектроника, астрономия ва астрофизика бўйича кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилиб, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган илмий мактаблар яратилди. Назарий ва эксперимент физика соҳасидаги устувор илмий тадқиқотлар энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари, электроника, фотоника, ускунасозлик каби тармоқлар ривожида муҳим роль ўйнамоқда. Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган, халқаро бозордаги беқарорлик кўплаб давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатаётган, табиий ресурслар тугаши баробарида улар учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти замонавий ўзбек физика фани ривожининг янги стратегиясини шакллантириш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Пойтахтимизда "Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар" мавзуида халқаро симпозиум ўтказилиши ана шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро форум Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Миср, Япония, Франция, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Бельгия, Австралия каби қарийб 30 давлатдан 300 дан ортиқ етакчи физик олим, мамлакатимиздаги вазирлик, идора ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, талабалар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов, Германиядаги Бавария илм-фан академияси президенти Карл Хоффманн ва бошқалар Шарқ ва Ғарб цивилизациясини боғлаган Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон қадимдан илм-маърифат чорраҳаси бўлганини, бу анъаналар мустақиллик йилларида муносиб давом эттирилаётганини, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббускор бўлган мазкур халқаро симпозиум бунинг яна бир амалий исботи эканини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 июлдаги фармойишига мувофиқ ушбу халқаро анжуманга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди.

Симпозиумда физика, астрономия ва астрофизика, энергетиканинг, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари, маҳаллий хомашё манбалари асосида янги материаллар олиш, замонавий нанофизика ва нанотехнологияни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари тўрт шўъбада муҳокама қилинмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғонада "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим омили сифатида" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда сайловчилар ҳуқуқини таъминлаш ва фуқароларнинг сайлов қонунчилиги тўғрисидаги билимини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашилди. Хотин-қизлар, кексалар, ногиронлар ҳамда турли миллат вакилларини бирлаштирган миллий маданият марказлари вакилларига сайлов жараёнида уларнинг сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда яратилаётган шароитлар хусусида атрофлича тушунча ва маълумотлар берилди.**

**● Самарқандда ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман, шаҳар босқичида сараланган 60 га яқин ёшлар мумтоз қўшиқ, эстрада, мусиқа, рақс ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

**● Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоғидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Қайта таъмирдан сўнг буткул замонавий қиёфа касб этган марказда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда ансамбль ва бадиий гуруҳлар самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилди.**

**● Бекобод шаҳрида "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда соҳа мутахассисларининг олдида турган долзарб вазифалар" мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.Семинар бир неча босқичли амалий машғулотлар тарзида ташкил этилди. Машғулотлар, намунали дарс соатлари Бекобод шаҳридаги еттита умумтаълим мактабида ўтказилиб, уларда 800 дан зиёд умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Европа Иттифоқига аъзо яна бир давлат – Чехияда 16 нафар фуқаронинг зика касаллигига чалингани аниқланди. Мамлакатда вирусга чалинганлик эҳтимоли билан 800 дан зиёд бемор текширувдан ўтказилган ва уларнинг 16 нафарида ушбу касаллик аниқланди.**

**● Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли 11-13 ноябрь кунлари Россиянинг "Аэрофлот" авиакомпанияси Москвадаги "Шереметьево" аэропортидан ўзининг кўплаб рейсларини бекор қилмоқда ва айримларининг муддатини ўзгартирмоқда.**

**● Япониянинг автомобилларга хавфсизлик ёстиқчаларини ишлаб чиқарувчи "Таката" компанияси ёстиқчалар насосларидаги носозликлар туфайли ўзининг АҚШдаги корхонасини ёпишни режалаштирмоқда. Гап шундаки, кейинги пайтларда Америкада автотўқнашувларда ўлим билан тугаган 16 та ҳолатда ёстиқчаларнинг носозлиги панд бергани таъкидланмоқда.**

**Сайлов – 2016**

## НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 10 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни Республика гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти директори А.Саидов очди. Номзоднинг ишончли вакили Н.Муҳамедов йиғилганларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш асосий мақсад қилиб белгиланган. Давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг иштирокини таъминлаш, сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши сайловолди дастурнинг асосий вазифаларидан биридир.

Пойтахтимиз бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий маркази бўлиб, айниқса, истиқлол йилларида Тошкент шаҳри қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисга айланди.

Номзод Тошкент шаҳрига хос айрим ижтимоий масалаларга сайловчилар эътиборини қаратиб, уларнинг ечими юзасидан ўз таклифларини билдирди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш сингари ғоялларни илгари сурди. Пойтахтимизда бунёд этилаётган замонавий уй-жойларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда уларга инновацион, энергиятежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Саматов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати О.Абдуллаева, Тошкент молия институтининг суғурта факультети декани У.Ражабов, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чилонзор тумани бўлими бошлиғи Г.Муродова, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси ассистенти Л.Мақсудова ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎзА

## Сайлов — 2016

***Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимиз тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Сайловлар халқнинг тўғридан-тўғри ўз иродасини ифода этишининг қонунлаштирилган шакли бўлиб, демократиянинг муҳим намоёни бўлиб хизмат қилади. Сайловлар орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органлари шаклланишига таъсир ўтказадилар ва шу билан ўзларининг давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи фуқарога ўз давлатига алоқадорлиги ҳамда ушбу давлатда демократизм ўз ифодасини топганини ҳис қилиш имконини беради. Сайловлар ҳар қандай демократик тизим манбаи ва асоси бўлиб, халққа ҳокимиятнинг турли субъектлари: парламент, президент ва ҳукуматга ўз муносабатини билдириш имконини беради.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун мустақилликнинг биринчи йили, яъни 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 5 боб, 39 моддадан иборат. 1991 йил қабул қилинган ва ҳозиргача амал қилиб келаётган мазкур қонун МДҲ ҳудудида сайлов бўйича қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири эди. Ушбу қонуннинг мамлакатимизда сайлов бўйича қабул қилинган илк қонуни бўлгани ҳам аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги муносабатларнинг алоҳида қонун билан тартибга солинишининг ўзиёқ ўта муҳим сиёсий-ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш тартибини қонунлар орқали белгилаш сайловга оид турли халқаро стандартларнинг муҳим талабидир. Масалан, "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация"нинг 4-бандида доимий ҳақиқий эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш учун халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга мувофиқ равишда давлатлар ҳуқуқларни кафолатлашни таъминлаш мақсадида қонунчилик қабул қилишлари ва бошқа чораларни кўрмоқликлари лозимлиги белгиланган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизни айнан мазкур талабни оғишмай, изчиллик билан бажарганидан далолатдир.

Бу яна шуниси билан муҳимки, сайловнинг бошланишидан то унинг натижалари эълон қилингунга қадар бўлган ижтимоий муносабатларнинг олий ҳужжат бўлмиш қонун билан белгилаб қўйилиши бу жараёнда турли сиёсий таъсирлар, рўй бериши мумкин бўлган англашилмовчиликларнинг олдини олади. Европа Кенгашининг Венеция Комиссияси ҳам ўзининг сайловга доир тавсияларида техник масалалар ва конкрет жиҳатларни истисно қилганда (булар қонуности ҳужжатларда ўз аксини топиши мумкин) сайлов ҳуқуқи камида оддий қонун кўринишида мустаҳкамланиши лозим деган фикрни илгари суради.

Қонун сайловга оид халқаро стандартлардаги сайловларни умумий, тенг, даврий асосда, ҳаллоллик билан очиқ, шаффоф ўтиши, эркин, ихтиёрий, ҳақиқий ва адолатли бўлиши, яширин овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборотнинг ҳаққоний бўлиши, унинг расмий якунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлаш; оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш каби барча принципларни ўзида мужассам қилган.

Қайд этиш жоизки, ўтган давр мобайнида мазкур қонун ҳам мунтазам такомиллашиб борди. Қонунга ўтган йиллар мобайнида 7 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Дастлабки ўзгартиш ва қўшимчалар 1997 йилга тааллуқли бўлиб, унда Қонуннинг 29 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Президентликка номзодга қўйилган максимал ёшга оид талаб чиқарилди (чунки бирон бир демократик давлатда бундай юқори ёш чегараси белгиланмаган), сайловда қатнашмайдиган шахслар тоифасидан жиноят-процессуал қонунларида белгиланган тартибда олдини олиш чораси – ҳибсда сақлаш чораси қўлланилган шахслар чиқарилди, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан аниқлик киритилди, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлаши, Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши, округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланиши, участка сайлов комиссияларининг аъзолари маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди (аввал сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳам комиссияга аъзоликка номзод бера олардилар), сайловни очиқ ва ошкора олиб боришни таъминловчи демократик нормалар янада кенгайтирилди, қонунчиликка "кузатувчи институти" киритилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар кузатувчи бўлиб қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди, Президент сайловларини тайинлаш муддати аввалги 40 кун ўрнига 3 ой деб белгиланди, сайлов участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам тузилиши мумкинлиги, сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилиши (аввал халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки уларнинг раёсатлари томонидан тузилар эди), Марказий сайлов комиссияси доимий ишлайдиган органга айланиши (аввал мазкур Комиссия ҳар бир сайловга алоҳида тузилиб, ваколат муддати Президентнинг галдаги сайлови белгиланган куни тугаши қайд этилган эди), сайлов тўғрисидаги Қонунни шарҳлаш Олий Кенгаш Раёсати ваколатидан чиқарилди, сайлов комиссияларининг аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди, сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлаш туман, шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилди (аввал буни халқ депутатлари Кенгашлари амалга оширар эди), Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эга эканликлари, сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина у Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкинлиги қайд этилди (аввал Касаба уюшмалари Федерацияси, меҳнат жамоалари ҳам бундай ҳуқуққа эга эди, 1997 йилда булар чиқарилиб, ўрнига ҳокимият вакиллик органлари киритилди), сайловда қатнашиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхати ва номзодлар кўрсатиш тартиби аниқ белгилаб қўйилди, сайлов бюллетенларини тайёрлаш, олиш, етказиб бериш, тасдиқлаш тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилди, қонунга алоҳида сайловолди ташвиқотига оид нормалар киритилди, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилди, ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланди, номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди (аввал Олий Кенгаш Раёсати розилик бериши керак эди) ҳамда шу каби самарали ўзгаришлар мустаҳкамлаб қўйилди.

1999 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Аввал "сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш" деган жумлалар бўлмай, сайловга қадар бекор қилиши мумкин эди.

Рўйхатга олинган номзод уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан махрум этилиши мумкинлиги қайд этилди. Аввал бу нормада "номзодлик мақомидан маҳрум бўлади" деган жумла бор эди.

2000 йилдаги ўзгартиш ва қўшимчаларга Марказий сайлов комиссияси ваколатига сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган намунадаги гувоҳнома топшириш ваколати юкланди. Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми биринчи хатбошисидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни ташкил этар экан" деган сўзлар, 30-моддасининг биринчи қисмидан "Маҳаллий вақт билан" деган сўзлар чиқариб ташланди.

2004 йилда шу вақтгача қабул қилинган, сайлов билан боғлиқ қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш зарурати билан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартишлар ва тузатишларни инобатга олган ҳолда Президент сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 28 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, "сайловчилар ташаббускор гуруҳлари" деган институт киритилди ва унга номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди, аввалги ҳокимият вакиллик органларининг бундай ҳуқуқи чиқарилди, участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланиши (аввал маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсияси эди) белгиланди, овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланиши киритилди, II бобни номи ўзгартирилиб, "Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш ва сайлов комиссияларини тузиш" деб номланди, Президент сайловининг Олий Мажлис томонидан тайинланиши бекор қилиниб, Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши қайд этилди, Марказий сайлов комиссияси номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олиши белгилаб қўйилди, 18[1]-модда киритилиб, унда округ ва участка сайлов комиссияларига аъзолар қандай ва қайси шахслар орасидан тавсия этилиши белгилаб қўйилди, сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши кераклигига оид норма киритилди, агар аввал фақат номзодларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган бўлса, 2004 йилга келиб бундай ҳуқуқ сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳам берилиши мустаҳкамланди, қарши овоз беришга оид нормалар чиқарилди, сайлов, агар унда сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилиши (аввал рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярми қатнашмаган бўлса сайлов ҳақиқий эмас деб топилар эди), сайловда иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланиши, турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзоднинг соғлиғи ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини белгилаш тўғрисида" деган алоҳида модда киритилиб, унда сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан овоз бериш якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкинлиги (аввал бир ой эди) белгилаб қўйилди, такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмаслиги кабилар мустаҳкамланди.

2008 йилда сиёсий партиялар жамият ва давлат ҳаётида мустаҳкам ўрин олгани, молиявий манбалари мустаҳкамланганидан сўнг Президент сайлови тўғрисидаги Қонундан сайловчилар ташаббускор гуруҳига оид қоидалар чиқарилди. Бу тўғри қарор бўлиб, мазкур гуруҳлардан кўра сиёсий партиялар ҳар бир ҳудудда ўзининг тегишли тузилмаларига, электоратига, энг муҳими, мамлакатни ривожлантириш бўйича сиёсий партиянинг ўз қарашларини ифода этган дастурига эгадир.

2011 йилда Президент ваколат муддатларига оид ўзгартиш киритилди.

2015 йил "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 10 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24[2]-моддасида сиёсий партия томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида "беш фоизининг" имзосини қамраб олган бўлиши керак эди. Камида 5 фоиз имзо, ҳозирги кунда 1 млн. атрофидаги сайловчиларни қамраб олишни эътиборга оладиган бўлсак, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар учун маълум қийинчиликлар туғдириши ҳамда ресурслар жалб этилишини талаб қилиши мумкин эди. Эндиликда кўппартиявийлик ва партияларо рақобатни кучайтириш ҳамда бу соҳадаги халқаро стандартлар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда "беш фоиз" деган сўзлар "бир фоиз" этиб белгиланди.

Яна бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сайловолди ташвиқоти билан боғлиқдир. Бу аваламбор партияларо рақобатнинг кучайиши, ўтган йиллардаги сайловларда сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормалар киритилди.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 28-моддаси сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш, сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш, сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали олиб боришга бағишланган 4 та қўшимча, прим модда билан тўлдирилди.

Маълумки, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда қонунчиликда янада аниқ белгилаб қўйишни талаб этадиган турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. Улардан бири муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Қонуннинг 31-моддасида муддатидан олдин овоз бериш тартиби батафсил очиб берилди, яъни муддатидан олдин овоз бериш сайловчининг сайлов кунида бўла олмаслиги сабабларни (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган аризасида амалга оширилиб, сайловга 10 кун қолганида бошланади ва бир кун қолганида тугалланади. Мазкур қўшимчаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини бузиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Президент сайлови тўғрисидаги қонунларнинг ривожлантирилиши босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилиб, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокини кучайтириш билан бевосита боғлиқ ҳолда кечмоқда. Зеро, демократлаштириш жараёни тўхтовсиз жараёндир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент**

## 2016 йил – Соғлом она ва бола йили

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ЖАМОАТ ЭШИТУВИ

***"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида жамоат эшитуви ўтказилди.***

Тадбирда мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида амалга оширилган тизимли ишлар жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Саксонга яқин ҳуқуқий ҳужжат мазкур соҳадаги ишларни тартибга солишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Соғлом она – соғлом бола" умуммиллий дастури доирасида оналар, болалар, ўсмирларга тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хотин-қизларнинг оилада ва жамият ҳаётида фаоллигини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган чоратадбирлар изчил ҳаётга татбиқ этилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мажмуавий дастурда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида жамоат эшитувларини ташкил этиш топширилган. Бу галги эшитувда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясидан маълум қилишларича, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ассоциация тизимидаги уч юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан аёллар ва ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарғиботини юритиш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат грантлари танлови ташкил этилаётгани ўз самарасини бераётир. Жорий йил Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тизимидаги қирқдан ортиқ жамоат тузилмасининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари ушбу танловда ғолиб деб топилиб, молиялаштирилди. Ушбу лойиҳалар бўйича аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олиш мақсадида семинар-тренинглар, турли лойиҳалар ташкил этилди.

– Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси Саодат Боймирзаева. – Оилада соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёшларни миллий анъаналаримизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, спортга кенг жалб қилиш, эрта турмушнинг олдини олиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда давра суҳбатлари, танловлар ташкил этилмоқда. Соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот материаллари чоп этилиб, тарқатилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИЛМ-ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Назарий физика табиат қонунларини мавжуд воқелик билан ўзаро солиштирган ҳолда англаш, математик моделлар асосида англатишдир. Астрофизикада осмон жисмлари – Қуёш, сайёралар, кометалар ёки юлдузлар тўпининг физик тузилиши, юза ва атмосфера қатламларида рўй бераётган физик жараёнлар тадқиқ этилади, уларнинг кимёвий таркиби аниқланади. Симпозиумнинг "Назарий физика ва астрофизика" шўъбасида нанорезонаторлар билан кўп атомларнинг чигаллик инженерияси, илгариланма тез айланишнинг квант динамикаси, Майданак обсерваториясидаги астрофизик тадқиқотлар, Сомон йўли галактикасининг пайдо бўлиши, Ўзбекистон тоғларидаги хавфли офатлар кечиши мумкин бўлган соҳаларни олдиндан баҳолашнинг янги усуллари каби масалалар муҳокама этилмоқда.

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов илм-фан, таълим ва маърифат ривожига ҳомийлик қилган буюк давлат арбоби сифатида инсоният тарихида мангу қолади, дунё физикларининг мазкур анжуманини ташкил этишда ҳам айнан Ўзбекистон раҳбари ташаббускор бўлганди, – дейди Осиё-Тинч океани Назарий физика маркази президенти, профессор Бум-Хоон Ли (Жанубий Корея). – Бугун элементар зарралар ва конденсирланган муҳитлар (қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар) тизимидаги ўзаро кучли таъсирлашувни назарий тушунтириш жаҳон физикасида долзарб муаммо ҳисобланади. Мазкур форумда биз сўнгги йилларда тор доирада ривожлантирилган галография (оптикада ривожланган уч ўлчамли тасвирни ҳосил қилиш) принципи ушбу муаммони ҳал қилишда бутунлай янги услуб бўлиши мумкинлигини муҳокама қилмоқдамиз.

Экспериментал физика бизни ўраб турган оламни мавжуд тажрибалар асосида янги усуллар билан ўрганишдир. Агар назарий физикада табиат математик моделлар билан текширилса, экспериментал физикада табиатнинг ўзи тадқиқ этилади. Халқаро форумнинг "Экспериментал физика" шўъбаси дастуридан тезкор нейтронлар дозасини ўлчаш, лазер диодларининг ўта фокусланган нурланиши ва уларнинг параметрлари, лазер нурланишининг кремний ва германий кристалларига таъсири, биотиббиётда қўллаш учун ўта қисқа тўлқинли компакт квант лазерларни яратиш масалалари, нанотехнологиянинг энергетика ва соғлиқни сақлашдаги аҳамияти каби мавзулар ўрин олган.

– Бугун Ўзбекистонда илм-фан равнақига алоҳида эътибор қаратилаётгани, ички ва ташқи бозорда харидоргир-рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси механизми мустаҳкам йўлга қўйилгани мамлакатингиз ҳудудида қадимий ва фундаментал асосга эга илмий мактабларнинг изчил давом эттирилаётганидан далолатдир, – дейди Астон фотоник технологиялар институти раҳбари, профессор Эдик Рафаилов (Буюк Британия). – Кейинги вақтда жаҳонда ихчам, арзон ва ўта қисқа импульсга эга, инфрақизил ва инсон кўзи кўрадиган диапазонда нурланадиган лазерларга қизиқиш ошмоқда. Мазкур халқаро анжуманда биз шундай лазерларни ишлаб чиқаришдаги ютуқлар ва уларнинг имкониятлари ҳақида фикрлашмоқдамиз. Мазкур янги авлод лазерлари рентген, кўзга кўринадиган ва радиочастота диапазондаги электромагнит нурланишлар ҳамда магнит майдоннинг тирик организмларга таъсирини ўрганувчи янги фан – биотиббиёт фотоникасида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро экспертларнинг фикрича, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, бунда, аввало, қуёш, шамол, тўлқинлар каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга қизиқиш жадал ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганида. Боз устига, табиий газ, нефть, кўмир каби анъанавий табиий ресурслар захиралари кескин камайиб кетмоқда, уларнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашмоқда. Бугун энергия ресурслари манбаларига эга давлат наинки чексиз даромад олиш, балки халқаро майдонда ўз мавқеи ва таъсирини ошириш имконига ҳам эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистонда бу муаммолар ечими борасида бой тажриба тўпланган. Айниқса, қуёш энергиясининг термодинамик ўзгартирилиши, шу жумладан, Стирлинг юритгичлари ва уларнинг асосида қуёш энергетик ва сув қўтаргич қурилмалари, қуёш фотоэлектрик ва қуёш-иссиқлик электр станцияларига оид салмоқли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил ноябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё Қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқида Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқ эканини, ана шу ресурслар ҳисобидан мамлакатимизда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкинлигини таъкидлаганди. Ўтган йиллар давомида бу борада кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Айни кунда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга ана шундай станция қурилмоқда. Бунда асосий хомашё – поликристалли кремний материали "Навоий" эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилга бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга яна учта қуёш электр станцияси фойдаланишга топширилади.

Симпозиумнинг "Қайта тикланувчи энергия манбалари" шўъбасида қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш учун шаффоф ўтказувчан магний ва рух оксиди биримасининг характеристикаси, электрохромик тизимларнинг янги креатив технологиялари, электромагнит майдон асосида стандарт динамиканинг ривожланиши, қайта тикланувчан функцияли ҳимояловчи қопламалар, кетма-кет уланган каналлар асосида қўш транзистор ячейка яратиш усуллари каби мавзуларнинг кенг муҳокама этилиши Ўзбекистонда қуёш энергетикаси соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун замонавий ишлаб чиқаришнинг барча тармоғи, қурилиш, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққиёти, шубҳасиз, янги материалларга боғлиқ. Бу мамлакат ривожи, аҳоли ҳаёт сифатининг ошишига ҳам хизмат қилади. Материаллар – цивилизация учун поғона, янги материаллар бу поғонани вақтлироқ ва самаралироқ босиб ўтиш учун трамплиндир. Шу маънода халқаро форумнинг "Янги материаллар" шўъбасида наноўлчамли материалларнинг замонавий биология ва тиббиёт соҳаларида қўлланиш имкониятлари, янги материаллар ва технологиялар соҳасида углеродли нанозаррачалар, графин (углерод ҳалқаси) ва унга ўхшаш материалларнинг наномуҳандисликдаги истиқболлари, махсус магнит ёрдамида магнит зарядини кагоми (композит) материалига йўналтириш каби мавзуларнинг кўриб чиқилиши нафақат мамлакатимиз илм-фани, балки бошқа кўплаб соҳалар ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур халқаро форум бугун жаҳон физикасидаги долзарб фундаментал ва амалий масалаларни муҳокама қилиш билан бирга, ўзбек физика мактабининг мустақиллик давридаги ютуқларини халқаро миқёсда яна бир бор кенг намойиш этишда яхши имкониятдир. Бу ўзбек физика мактабининг салоҳиятини янада юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Умид ЁҚУБОВ**

**4 декабрь – сайлов куни**

***Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси сифатида халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг муҳим воситаси ҳисобланади. Айни кунларда мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизғин паллада. Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан бир қатор учрашувларни ўтказмоқдалар.***





# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Кеча Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Ходжибоевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, корхона, ташкилот, муассасалар ходимлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров олиб борди.

Номзоднинг ишончли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан сайловчиларни тўлиқ таништирди. Хусусан дастурда кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини муттасил ошириб боришга оид муҳим йўналишлар ўз ифодасини топганлиги, шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида урғу берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш, хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодиёт ҳамда бошқа соҳаларда давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлашда тарафлар тенглиги принципини тўлиқ ишлатиш учун адвокатура соҳасини ислоҳ қилиш, суд-тергов жараёнларида адвокатнинг ваколатларини кенгайтириш ва ролини янада мустаҳкамлаш, эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий валютамиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш, бунда 67 та ҳудудий лойиҳаларнинг амалга оширилиши 162 та янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва уларнинг умумий ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини беради, деди ишончли вакил.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, 2017-2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Бу дастурларни амалга ошириш натижасида субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларли равишда камаяди.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрини нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айлантириш биринчи даражали вазифалар қаторига киради. Шу мақсадда, миллий меъморлик ва шаҳарсозликнинг энг илғор ютуқ ва ечимларидан фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътибор марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сергели туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу эса қарийб 30 минг оилани, биринчи навбатда кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва замонавий хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер остидан ўтадиган тезюрар метро йўналишларини қуриш масалаларига катта аҳамият қаратилади.

Шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича ишлар давом эттирилади. Истеъмол товарлари, жумладан, арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси олдимизда турибди.

Маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги ишлар янги қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади, деди жумладан ишончли вакил.

Биз сайловолди дастуримизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим мақсад ва устувор вазифаларни белгилаб олдик. Мазкур мақсад ва вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Улкан режаларимизни амалга оширишда биз, биринчи навбатда, барча юртдошларимиз, бутун халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таянамиз.

Фақатгина халқимизнинг шижоати ва қудрати, букилмас иродаси ва қатъияти, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган ишончи буюк мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир кафолатидир.

Барчамиз учун Ватан битта!

Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир!

Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир!

Шундан сўнг йиғилишда сайловчилар бугунги кунда дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлини қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги тарихий ютуқларимиз тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Тадбирда ишончли вакил ва сўзга чиққанлар барча сайловчиларни сайловда фаол қатнашиб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақирдилар.

Учрашув кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати**

*Яшнобод тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ЯШНОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 22 сентябрдаги ва 2016 йил 15 октябрдаги баённларини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 251 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2172 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари; -

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (О.К.Эргашев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Яшнобод туман ҳокимининг 2015 йил 30 ноябрдаги “Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 580-сон қарори 2016 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яшнобод туман ҳокимининг ўринбосари А.А.Идрисова зиммасига юклатилсин.

**Яшнобод тумани ҳокими**
**Ф.Хакимов**

*2016 йил 24 октябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 19 декабрь куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 23.11.2015 йилдаги 10-1511/20659-сонли ижро варақасига асосан Миробод туман СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ЖИБ Миробод туман суди ҳовлисида сақланаётган бошланғич баҳоси 49 298 743 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/749EDA, “ГАЗ-330202-288” р-ли ав-на; “Auto Plaza Service” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган бошланғич баҳоси 33 369 604 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/868EDA, “Cobalt” р-ли ав-на ҳамда бошланғич баҳоси 22 634 333 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01/109UCA, “ГБА-СПГ-Дамас” р-ли ав-на. Савдолар “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг АТБ “*Infin*BANK” банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000050015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

**Гувоҳнома № 005148**

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**
**олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар учун**
**биология ва химия фанлари бўйича тайёрлов курслари очилганлигини эълон қилади.**

Тайёрлов курсларида тингловчилар тўловшартнома асосида 1 ойдан 10 ойгача бўлган муддатларда таълим олишлари мумкин.

Аризалар 2016 йил 3 ноябрдан бошлаб қабул қилинади.

Гуруҳларнинг шаклланишига қараб машғулотлар ташкил этилади. Курс машғулотлари ҳар бир фандан ҳафтасига камида 2 марта тингловчилар билан келишилган ҳолда ўтказилади. Тайёрлов курсларида университетнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари машғулотлар олиб боради.

***Тайёрлов курсларига таклиф этамиз!***

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 260-39-62, (+99890) 910-56-89, Fax:262-33-14

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бўғишамол кўчаси, 223.

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**
**ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!**

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Сизларни фаолликка чақиради!

Сиз тумандаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятига, ундаги таълим-тарбия жараёнига оид савол, таклиф ва аризалар билан www. m-ulugbekxtb.uz интернет веб-сайтида онлайн тарзда, info@m-ulugbekxtb.uz электрон манзилига юбориш, +99871 263-59-99 (телеграм +99890 316-54-98) рақамларига телефон қилиш орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 2016 йил 28 апрелда Разиков Дилшодбек Аширбековичга фойдаланиш учун берилган 0072-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***12 ноябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***12 ноябрда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво мухитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ:

# ҚАРЗИНГИЗНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАБ ҚЎЙИНГ

***Халқимиз азалдан табиат билан ўзаро уйғунликда яшаб, унинг бойликларини асраб-авайлаш, табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келган. Бинобарин, буни биргина сув мисолида оладиган бўлсак, уни "оби ҳаёт" дея улуғлаган. Сувни эъзозламоқ, келажакни асрамоқ деган ақидага амал қилган. Бу бежиз эмас албатта.***

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бугун ер юзида чучук сув заҳираси бор-йўғи 2,5 фоизни ташкил этади. Шундан 0,025 фоизи ичимлик учун яроқли бўлган дарё ва чучук кўл сувлари, 1,5 фоизи абадий музликлар, 0,75 фоизи ер ости сувларига тўғри келар экан. Айтиш керакки, бугун ер юзида чучук сув манбаларининг танқислиги боис ичимлик сув муаммоси энг долзарб масалага айланган. Юқоридаги фикрларни бежизга келтирмадик. Аммо табиатнинг бебаҳо инъоми бўлган, хонадонларимизга беминнат кириб келаётган, сониялар ичида оғиримизни енгил қилаётган табиий газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувга бўлган бепарволигимиз, кўрсатилган хизмат учун вақтида ҳақини тўламаслик ҳали-ҳамон давом этаётганлиги ачинарли ҳолдир. Таъкидлаш керакки, бугун юртимизда олиб борилаётган барча эзгу саъй-ҳаракатлар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларга етарли шарт-шароит яратиш ва саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Шундай экан, биз ҳам ўз вақтида мана шу хизматларнинг бардавом бўлиши, узилиб қолмаслигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ахир қарс икки қўлдан чиқади-ку.

Мутасаддилардан олинган маълумотларга қараганда ҳали орамизда барча хизматлардан фойдаланиб, "ҳақи"ни тўлашга келганда ғирромлик қилаётган истеъмолчилар талайгина экан. Ахир қиш фасли остонасида турибмиз. Тасаввур қилинг, совуқ ва изғиринли кунларда хизматдан қайтганингизда уйингиз иссиққина бўлмаса, чойингиз, ош-овқатингиз вақтида қайнаб, пишмаса... Туну кун сув ва ҳаводек керак бўладиган хизматлар учун вақтида ҳақини тўлаб қўймасак, шу ҳам инсофданми?

**"ToshshahETK" AJ** томонидан аҳолига кўрсатилган электр энергиясини етказиб беришнинг сифатли бажарилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни ўз вақтида тўланиши юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳамма истеъмолчилар ҳам кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги хизматлар сифатини янада яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ачинарлиси, тўлов қобилияти бўла туриб уларни амалга оширмайдиган истеъмолчиларнинг борлигидир.

Масалан: Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси, 17-уй, 1-хонадондан Қурбонованинг — 1.650.000 сўм, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 31-уй, 1-хонадондан М.Касимовнинг — 1.780.000 сўм, Чилонзор 10-мавзе, 9-уй, 96-хонадондан Рахмониннинг — 715.000 сўм, Наққошлик кўчаси, 17-уй, 3-хонадондан Осипованинг — 251.000 сўм, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 52-уйдан Расуловнинг — 472.000 сўм қарзлари бўла туриб хотиржам юрганлари кишини ҳайрон қолдиради.

— **"Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси** маълумотига кўра ушбу хизмат учун аҳоли орасида ўз мажбуриятларини бажармай, бунга совуққонлик билан қаровчилар ҳам топилмоқда.

Мисол учун: Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 3-уй, 25-хонадондан Я.Ядгаровнинг — 5531,42 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-28, 1-уй, 70-хонадондан Ж.Холматовнинг — 5146,37 сўм, Марказ-14, 2-уй, 50/51-хонадондан М.Раҳмpraванинг — 7604,68 сўм, Сергели тумани, Сергели-7, 32-уй, 92-хонадондан Л.Мўминқулованинг — 5834, 87 сўм, Сергели-5, 65-уй, 24-хонадондан Н.Турсунованинг — 6504,01 сўм қарзлари бўла туриб, уни тўлашни пайсалга солиб юрмаганларида юқоридаги фикрларни келтириб ўтмаган бўлар эдик.

Маълумки, аҳолига истеъмол қилинган ичимлик суви ва фойдаланилган оқава сув хизматлари учун тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаби қўйилган. Лекин, **Тошкент шаҳар "Сувсоз" ДУК** томонидан берилган маълумотга кўра аҳоли ўртасида кўрсатилаётган хизматлар учун ўз мажбуриятларини бажармай келаётганлари ҳам топилади. Мана мисоллар билан сиз ҳам танишинг. Миробод тумани, Нукус 1-тор кўчаси, 7-уй, 3-а хонадондан Ш.Чориевнинг — 442.829 сўм, Сергели тумани, Қўшкўрғон 4-тор кўчаси, 41-уйдан Г.Пазилованинг — 360.147 сўм, Қипчоқ кўчаси, 10-Б уйдан Д.Атаджанованинг — 266.878 сўм, Чилонзор тумани, Алгоритм Г-35 мавзеси, 13-уй, 30-хонадондан К.Супиевнинг — 739.250 сўм, Юнусобод тумани, А.Бўриев тор кўчаси, 3-уйдан Турсунходжаевнинг қарзлари — 473.000 сўмга етганлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

**Энди коммунал хизматидаги энг оғриқли нуқтага ўтсак. У ҳам бўлса ҳамон долзарблигича қолаётган газга тўловлар масаласи. Афсуски мана шу хизматдан кеча-кундуз беминнат фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда оқсаяпмиз.** Барака топкур, хизматидан фойдалангандан кейин вақтида ҳақини тўлаб қўйиш керак-ку ахир. Мана бу маълумотлар эса, аҳвол жуда жиддий эканини кўрсатмоқда. Мана ўзингиз хулоса қилинг. Учтепа тумани, Лочин кўчаси, 124-уйдан Н.Норхўджаевнинг — 1 451 419 сўм, Якдил кўчаси, 24-уйдан А.Содиқбековнинг — 5 685 000 сўм, Қизил токзор кўчаси, 13-уйдан Д.Юлдашевнинг — 7 677 353 сўм, Олмазор тумани, Охунбобоев кўчаси, 21-уйдан Г.Толипжонованинг — 9 057 531 сўм, Гузарбоши кўчаси, 34-уйдан А.Паттахованинг — 9 580 353 сўм, Субҳидам кўчаси, 8-уйдан К.Турдиевнинг — 5 500 000 сўм, Яшнобод тумани Мавлоно Риёзий 1-тор кўчаси, 21-уйдан Ш.Шомиловнинг — 3 361 476 сўм, Қўнғирот кўчаси, 40-уйдан С.Алматованинг — 6 834 186 сўм, Шоҳимардон кўчаси, 34-уйдан А.Нормирзаеванинг — 3 543 103 сўм, Миробод тумани Катта Миробод 2-тор кўчаси, 9-уйдан Х.Примовнинг — 5 380 300 сўм, Эски Сарикўл кўчаси, 142-1-уйдан Ў.Шакировнинг — 4 372 808 сўм, Эски Сарикўл кўчаси, 13-уйдан Р.Хуснуллинанинг қарзи — 4 113 371 сўмга етганда ҳам уни вақтида тўламай хотиржам юрганларини қандай баҳолаш мумкин. **Энг ачинарлиси, оддий фуқаролар газ ҳақини ойма-ой тўлаб борсаларда, бироқ айрим ўзига тўқ, қўша-қўша машиналари бор, данғиллама уйларда яшаётган кишиларнинг бу масалага бефарқ қараётгани одамни таажжублантиради. Бу борада "Бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури" қабилида иш тутишнинг ҳам меъёри бор.**

Хулоса ўрнида шу фикрни айтиб ўтишни жоиз деб билдик: назаримизда шарқироқ сойларимизнинг сувлари ҳеч қачон тўхтамасдек, табиатдан олинажак электр қуввати, табиий газларнинг ҳам охири йўқдек. Аммо ота-боболаримизнинг уммон олдида турсанг ҳам бир томчи сувни увол қилма деган ҳикмати бор.

Зеро, табиат бизга бераётган неъматлардан тежамкорлик билан фойдалансак, сув, табиий газ ва электр қуввати учун тўловларни ўз вақтида тўлашни унутмасак эртамизнинг янада нурафшон бўлишига муносиб ҳиссамизни қўшамиз, элу юрт фаровонлиги эса барчамизнинг эзгу ниятимиз.

Биз бу гал фақат коммунал хизматлар бўйича баъзи туманлардаги катта қарзлари бўлса-да, бамайлихотир юрган айрим ҳамшаҳарларимизнинг исм-шарифларини келтириб ўтдик. **Газетамизнинг кейинги сонларида кўрсатилган хизматга ҳақ тўлашга келганида бефарқ ва лоқайд бўлаётган қарздорлар ҳақида албатта маълумот бериб борамиз.**

**Шундай экан, коммунал тўловлар бўйича қарзингизни ўз вақтида тўлаб боринг.**

Шаҳризода **МУҲСИМОВА**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 14

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
07.40 "Парламент ҳаёти".
07.55 "Сайлов – 2016".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
09.35 "Қарз". В/ф.
10.05 Анонс.
10.15 "Ватанпарвар".
10.55 "Сайлов – 2016".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Қишлоқ ҳаёти".
11.30 "Менинг боғим".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
13.55 "Сайлов – 2016".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Агроолам".
15.05 "Бизнес старт".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.55 "Сайлов – 2016".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 "Суҳбатдош".
18.05 Анонс.
18.15 "Имконият".
18.35 "Монк". Т/с.
19.20, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.25 "Сайлов – 2016".
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов – 2016".
20.55 "Сайлов – 2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.15 "Сирли боғ". Б/ф.
00.15 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ойижон". Б/ф.
03.45 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
05.15 – 05.55 "Ватанпарвар".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Галактика". Ҳ/с.
07.50 "Сайлов – 2016".
08.00 "Кавингтон Кросс". Т/с.
09.45 "UzEX".
09.55 "Сайлов – 2016".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Сайлов – 2016".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Шерюрак". Б/ф. 1-қисм.
15.00 "UzEX".
15.10 "Зар замин".
15.50 "Сайлов – 2016".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Соғлом ҳаёт".
17.30 "Қиш сонатаси". Т/с.
18.50 "Сайлов – 2016".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.55 "Сайлов – 2016".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов – 2016".
23.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
00.20 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Poytaxt-avto".
06.55 "Тошкент вақти".
07.57, 08.57. "Сайлов – 2016".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Мобил камера".
13.15 "Пойтахт-культура".
13.30 "Кинотакдим".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Очиқ мулоқот".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.10 "Оҳангларда яшайман ҳамон". Ҳ/ф.
17.45 "Poytaxt-Hi-tech".
17.57 "Сайлов – 2016".
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Сифат назорати".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
19.57 "Сайлов – 2016".
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Асранганни асрайди".
21.20 "Тошкентнома".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Невероятное приключение итальянцев в России". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.20 "Оҳангларда яшайман ҳамон". Ҳ/ф.
00.55 "Ҳикматли дунё": "13-палата".
01.30 "Кўнгил ҳайратлари".
02.15 "Эртамиз эгалари".
02.35 "Рангли телевизор".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қорақалпоқ спорти".
06.30 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport online".
08.00 Талқин.
08.35 Интерфутбол.
10.25 "Чемпион".
10.45 Баскетбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
15.05 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
16.10 "Спорт сабоқлари".
16.35 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар(рус).
18.50 ФИФА превью.
19.20 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар(ўзб).
20.55 Интерфутбол.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
01.10 Хабарлар.
01.35 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
02.40 ФИФА превью.
03.15 Баскетбол.
04.40 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Лола".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 Миллий кино. "Ёмғир остида".
08.20 "Теран илдизлар".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 "Маҳалламиз спортчилари".
09.50 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Гузардаги гурунглар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Катта ойи".
14.10 "TV анонс".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Юрагим сеники".
23.35 "TV анонс".
22.40 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Лола".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Катта ойи".
02.10 "Иш билганга минг танга".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
03.35 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
04.25 "Бола бошидан. "
05.05 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "English World".
10.10 "ABC-kids".
10.30 "Болалар учун фильм".
12.20 "Катта танаффус".
12.30 "Қувноқ алифбо".
13.00 "Эртаклар оламида".
14.10 "Билағон болажон".
14.40 "Худойберди бобо меҳмонда".
14.50 "Ланди-ланди".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "До-ми-соль".
16.30 "Болалар учун фильм".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

## СЕШАНБА, 15

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – 2016".
07.55 "Сайлов – 2016".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Суҳбатдош".
09.35 "Кўнгил ободлиги".
10.05 Анонс.
10.10 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
10.55. "Сайлов – 2016".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
13.55 "Сайлов – 2016".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Устурлоб".
14.35 "Таҳлил - 25".
15.05 Анонс.
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 Анонс.
16.15 "Чуст пичоқлари". Ҳ/ф.
16.30 "Ахборот". /инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
16.55 "Сайлов – 2016".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 Анонс.
17.55 "2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.15 "Агроолам".
18.35 "Монк". Т/с.
19.20, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.25 "Сайлов – 2016".
19.30 "Ахборот". /рус/.
20.00 "Сайлов – 2016".
20.55 "Сайлов – 2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес старт".
22.05 – 23.35 "Сирли боққа қайтиш". Б/ф.
23.35 "Агроолам".
23.55 Анонс.
00.00 "Нурли ришталар".
00.20 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
03.15 "Кўнгил ободлиги".
03.45 "Кунларнинг бирида".
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
05.20 Анонс.
05.30 – 05.55 "Бизнес старт".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Галактика". Ҳ/с.
07.50 "Сайлов – 2016".
08.00 "Кавингтон Кросс". Т/с.
09.45 "UzEX".
09.55 "Сайлов – 2016".
10.00 "Давр".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Сайлов – 2016".
11.40 "Сеҳрли қўллар".
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Сайлов – 2016".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Шерюрак". Б/ф. 2-қисм.
15.00 "UzEX".
15.10 "Зар замин".
15.50 "Сайлов – 2016".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Конституция дарси".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Қиш сонатаси". Т/с.
18.50 "Сайлов – 2016".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.55 "Сайлов – 2016".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов – 2016".
23.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
00.20 "Нуқтаи назар".
01.00 "Ватанпарвар".
01.40 "Меҳр".
02.10 "Шарқ гавҳари".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Пойтахт-Hi-tech".
06.55 "Тошкент вақти".
07.57, 08.57. "Сайлов – 2016".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Асранганни асрайди".
11.35 "Poytaxt-madaniyat".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Пойтахт-культура".
13.15 "Кўзгудаги биз".
13.45 "Poytaxt-Hi-tech".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Телетаҳлил".
17.45 "Пойтахт-авто".
17.57 "Сайлов – 2016".
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
19.57 "Сайлов – 2016".
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Сайлов – 2016".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Золото Маккены". Х/ф.
00.20 "Профессионал".
00.40 "Poytaxt-intervyu".
00.50 "Телетаҳлил".
01.25 "Ҳикматли дунё": "Она".
01.50 "Poytaxt-madaniyat".
02.15 "Тошкентнома".
02.35 "Кўзгудаги биз".
03.05 "Poytaxt-Hi-tech".
03.15 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт сабоқлари".
06.30 "Болалар спорти".
07.00 "Sport online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Интерфутбол.
10.05 "Осиёга назар".
10.20 "Техноспорт".
10.35 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Теннис. ATP-WTA турнири.
15.30 Футбол. Студия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
15.50 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018 саралаш. Жанубий Корея- Ўзбекистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Соғломжон-полвонжон".
18.30 Хабарлар(рус).
18.50 "Ифтихоримсан, спорт!"
19.10 Дзюдо. Ўзбекистон кубоги.
20.15 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018 саралаш. Танаффусда "Спорт-маркет".
22.15 Хабарлар (ўзб).
22.30 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018 саралаш.
00.30 Мадҳия.
00.35 Баскетбол.
02.10 Хабарлар.
02.30 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
03.35 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
04.40 "Техноспорт".
04.55 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Лола".
06.35 "Тунги репортаж".
06.55 Миллий кино. "Юрагим сеники".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Саодатли умр".
09.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
09.40 "Қадр топган қадриятлар".
10.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "Очиқ дарс".
12.00 "Қайнона бисотидан".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Қарздор".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
15.30 "Автотелемактаб".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Аслидек асрайлик".
18.25 "Ноёб институт".
18.50 "Асранганни асрайди".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.35 "Обод манзиллар".
20.00 "Биламиз-ку, аммо".
20.25 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
21.55 "TV анонс".
22.00 Миллий кино. "Келгинди қайнона".
23.35 "Табиат шифохонаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Лола".
00.35 "Жавондаги жавоҳир".
01.00 Миллий кино. "Қарздор".
02.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток – шоу.
03.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
03.30 "Сулола".
04.00 "Ноёб институт".
04.30 "Илм қудрати".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Фермер".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Худойберди бобо меҳмонда".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Болалар учун фильм".
12.00 "Bravo English!"
12.20 "Саргузаштлар ороли".
12.50 "Бола бошидан".
13.00 "Эртаклар оламида".
14.20 "Боғбон болажон".
14.30 "Миттивойлар мусобақаси".
14.50 "Сеҳрли қўллар".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "Ланди-ланди".
16.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
16.30 "Болалар учун фильм".
18.00 "Электрон дунё".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Китоблар мамлакатида".
20.00 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

## ЧОРШАНБА, 16

### Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – 2016".
07.55 "Сайлов – 2016".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Кўриқхонанинг тўрт фасли". Ҳ/ф.
09.40 Анонс.
09.45 "Қорачиқ".
10.05 "Баркамол авлод".
10.35 "Қишлоқ ҳаёти".
10.55 "Сайлов – 2016".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.40 "Кунларнинг бирида. "
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
13.55 "Сайлов – 2016".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Тадбиркорлик телеклуби". Ток-шоу.
15.15 "Суҳбатдош".
15.35 "Агроолам".
15.55 Анонс.
16.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
16.55 "Сайлов – 2016".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 "Анонс".
18.00 "Парламент ҳаёти".
18.20 "Менинг боғим".
18.35 "Монк". Т/с.
19.20, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.25 "Сайлов – 2016".
19.30 "Ахборот". /рус/.
20.00 "Сайлов – 2016".
20.55 "Сайлов – 2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (ўзб).
21.50 "Учбурчак". Ток-шоу.
22.50 – 00.05 "Тўққиз ой". Б/ф.
00.05 "Менинг боғим".
00.20 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
1.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Учбурчак". Ток-шоу.
03.30 "Мўъжизалар макони".
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
05.20 Иқлим.
05.30 – 05.55 "Имконият".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
06.50 "Конституция дарси".
07.00 "Галактика". Ҳ/с.
07.50 "Сайлов – 2016".
08.00 "Кавингтон Кросс". Т/с.
09.45 "UzEX".
09.55 "Сайлов – 2016".
10.00 "Давр".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Сайлов – 2016".
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Сайлов – 2016".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Шерюрак". Б/ф. 3-қисм.
15.00 "UzEX".
15.10 "Зар замин".
15.50 "Сайлов – 2016".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Конституция дарси".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Қиш сонатаси". Т/с.
18.50 "Сайлов – 2016".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Асранганни асрайди".
20.40 "Масъулиятсизлик касри".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.55 "Сайлов – 2016".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов – 2016".
23.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
04.20 "Сеҳрли қўллар".
05.30 – 06.00 "Давр".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Пойтахт-авто".
06.55 "Тошкент вақти".
07.57, 08.10, 08.57. "Сайлов – 2016".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Соғлом келажак". Ҳ/ф.
11.35 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Poytaxt-madaniyat".
13.15 "Обод хонадон".
13.35 "Юртим жамоли".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /такрор/.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Сифат назорати".
17.45 "Poytaxt-intervyu".
17.57 "Сайлов – 2016".
18.20 "Poytaxt-avto".
18.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
19.57 "Сайлов – 2016".
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Тысяча слов". Х/ф.
23.45 "Poytaxt-madaniyat".
00.05 "Очиқ мулоқот".
00.50 "Юртим жамоли".
01.15 "Ҳикматли дунё": "Имконият".
02.15 "Кўнгил ҳайратлари".
02.45 "Соғлом келажак". Ҳ/ф.
03.05 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Соғломжон-полвонжон".
06.40 "Ифтихоримсан, спорт!"
07.00 "Sport online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018 саралаш. Жанубий Корея- Ўзбекистон.
10.05 "Техноспорт".
10.20 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018 саралаш.
16.05 "Шоҳсупага йўл".
16.45 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Матонат".
18.30 Хабарлар(рус).
18.50 "Техноспорт".
19.05 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
20.10 "Эътироф".
20.20 "Спорт- маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
21.40 Интерфутбол.
23.30 "Спорт фидойилари".
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.40 Хабарлар.
02.05 Интерфутбол.
03.55 Велоспорт.
04.50 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Лола".
06.35 "Маҳаллам ҳақида".
06.55 Миллий кино. "Келгинди қайнона".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Очиқ дарс".
09.05 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
09.35 "TV анонс".
09.40 "Ноёб институт".
10.10 "Табиат шифохонаси".
10.40 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Биламизку, аммо ".
11.35 "Аслидек асрайлик".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Обод манзиллар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Ўкинч".
14.05 "TV анонс".
14.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
15.30 "Саодатли умр".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Қадр топган қадриятлар".
16.35 "Тунги репортаж".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.30 "Таҳлил ва талқин".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Соғлом оила".
20.00 "Ён қўшним-жон қўшним".
20.25 "Тўйлар муборак!"
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Дард".
22.35 "Қайнона бистотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Шукрона".
23.40 "Томорқа".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Лола".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
01.00 Миллий кино. "Ўкинч".
02.05 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
02.45 "Автотелемактаб".
03.10 Миллий сериал. "Мафтуна".
03.40 "Теран илдизлар".
04.05 "Гузардаги гурунглар".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Йўлга чиқдик".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Соғлом болажон".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "ABC-kids".
10.30 "Болалар учун фильм".
11.50 "Bravo English!"
12.20 "Катта танаффус".
12.30 "Қувноқ алифбо".
13.00 "Эртаклар оламида".
14.10 "Бола бошидан".
14.20 "Боғбон болажон".
14.40 "Миттивойлар мусобақаси".
14.50 "Ланди-ланди".
15.00 "Мультипанорама".
16.10 "До-ми-соль".
16.30 "Болалар учун фильм".
17.50 "Ширинтой-кичкинтойлар".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

*(Давоми келгуси сонда)*

(Газетанинг навбатдаги сони 15 ноябрда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5